

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
« \_\_\_\_\_ » хусусий  
кичик корхонаси рахбари

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

# НАМУНА

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ шаҳри

**« \_\_\_\_\_ » ХУСУСИЙ КИЧИК КОРХОНАСИ  
ТОМОНИДАН УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ  
КУРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА  
« ЕРАҲ – МОВLISS » ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ  
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

## БИЗНЕС РЕЖАСИ



\_\_\_\_\_ ш. - 20\_\_ йил.

# **МАЗМУНИ**

- 1. Корхона хақида қисқача маълумот.*
- 2. Сармоянинг ишлатилиши.*
- 3. Бозор таҳлили.*
- 4. Хизмат кўрсатиши харажатлари*
- 5. Хизмат кўрсатишида жами харажатлар жадвали*
- 6. Маҳсулотнинг хизмат ва сотиши бозори*
- 7. Молиявий режа, кредит ишлатилиши, кутилаётган самарадорлик, ва йиллар бўйича кредит қайтарилиши*
- 8. Мазкур кредит бўйича молиявий режа ва тўловлари*
- 9. Кредит ва фоизларни қайтариши режаси*
- 10. Хулоса*

## КОРХОНА ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

« \_\_\_\_\_ » хусусий кичик корхонаси \_\_\_\_\_ вилоят \_\_\_\_\_ шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 20 \_\_ йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_-сонли реестри билан Давлат рўйхатига олинган.

Корхона раҳбари : \_\_\_\_\_

### Банк реквизитлари:

Х/р \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

" \_\_\_\_\_ " банк \_\_\_\_\_ филиали

ИНН: \_\_\_\_\_

Корхонанинг мақсади уяли алоқа хизматларини кўрсатиш корхоналарига «EPAУ–MOBLISS» электрон тўлов хизмати кўрсатишни ташкил қилиш, яъни уяли алоқа корхоналарига хизмат қилувчи Диллерларга электрон тўлов хизматларини кўрсатади. Бунинг натижасида аҳолининг ушбу хизмат турларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини нисбатан қондириш мақсадида фаолият олиб боради.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун " \_\_\_\_\_ " банк \_\_\_\_\_ филиали маблағи ҳисобидан **20 000 000** (йигирма миллион) сўм 1 йил муддатга 14 % устамаси билан кредит маблағи зарур ҳисобланади.

### КРЕДИТ МАБЛАҒИНИНГ ИШЛАТИЛИШ РЕЖАСИ

Т/р	Сотиб олинган Хом ашёлар Ускуналар	Ўлчов бирлиги	Сони	Сотиб олиш Баҳоси (сум)	Жами Суммаси (сум)
1.	«EPAУ–MOBLISS» депозит ҳисоб рақамига				20 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>20 000 000</b>

### БОЗОР ТАҲЛИЛИ

Вилоят ҳудудида 1 800,0 минг, шаҳар ҳудудида 324,1 минг, қишлоқ ҳудудида 1 257,0 минг аҳоли яшайди. Тадбиркорлик фаолияти олиб бориладиган манзил \_\_\_\_\_ шаҳри \_\_\_\_\_ кўчаси \_\_\_ уй.

Вилоятда фаолият юритаётган уяли алоқа корхоналарига Диллерлик хизмат қиладиган корхоналарга «EPAУ–MOBLISS» электрон тўлов хизматларини кўрсатади. Ушбу хизмат турларига бўлган талабни нисбатан

қондириш мақсадида фаолият олиб борилади. Корхона ўз фаолиятини йўлга қўйган ҳолда мижозларга ўз вақтида буюртма бўйича ва умумий тартибда сотиш хизматларини кўрсатади.

## **МАҲСУЛОТНИНГ ХИЗМАТ ВА СОТИШ БОЗОРИ**

Аҳолига уяли телефонлари учун уланиш хизматлари, пул қабул қилиш хизматлари кўрсатиш натижасида ҳар ойда 6 600,0 минг сўмлик ҳажмда хизматлар кўрсатилади. Келгусида мазкур хизматларга бўлган талаб ва турлар бўйича кўрсаткичлар оширилиб борилиши мақсад қилинган. 1 ой давомида 6 600,0 минг сўмлик хизматлар кўрсатиш режалаштирилган. Бир ой давомида хизмат кўрсатишдан тушган даромад 6 600,0 минг сўмни ташкил қилади. Бир ой давомида соф фойда 5 197,7 сўмни ташкил қилади.

## **МОЛИЯВИЙ РЕЖА, КРЕДИТ ИШЛАТИЛИШИ, КУТИЛАЁТГАН САМАРАДОРЛИК ВА ЙИЛЛАР БЎЙИЧА КРЕДИТ КАЙТАРИЛИШИ**

- 1. Кредит маблағи 20 000,0**
- 2. Мўлжалланган фоиз 14 %.**
- 3. Кредит муддати 1 йил**

Корхона уяли корхоналарга хизмат қилувчи Диллерлардан электрон тўловлари хизматларини кўрсатганлик учун 1 % миқдорида хизмат хақи ушлаб қолинади. Корхона томонидан олинган кредитнинг мақсадли фойдаланилиши, кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда банк муассасалари ва солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Корхона ўз фаолиятини амалга оширган ҳолда ташқи муҳит таъсирида қонунбузарлик вазиятлар вужудга келиш эҳтимолини бартараф этиш учун белгиланган тартибда солиқ идоралари билан ўзаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади. Ушбу хизматлар кўрсатиш соҳасида вилоятда ягона ҳисобланиб биринчи ойларда 50 тага яқин мижозлар билан ишлаш, келажакда вилоят ҳудудидаги барча Диллерлар билан ўзаро шартномалар тузиш ва хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган ва мижозлар сонини 500 тага ошириш кўзда тутилган.

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ (Ялли даромад)**

(савдо хизмат кўрсатиш бир кунда)

№	Хизмат тури	Сони	1 ойда ўртача	Хизматдан фойдаланиш учун тўловлар	Жами нархи	Хизмат кўрсатиш	Жами даромад 1 ойда (сўм)
					1 ойда жами тўловлар (минг сўм)	%	
1	Мижозлар сони	Дона	200	100 000,0	100 000,0	1 %	
	Жами:			100 000,0	100 000,0		

(хизмат курсатиш бир ойда)

№	Маҳсулот хизмат тури	Сони	1 ойда	Нархи	Жами нархи	Диллерлик устамаси	Жами Даромад 1 ойда (минг сўм)
					1 ойда сотиш (минг сўм )	%	
1	Уланиш хизмати	Дона	300			5 000	1 500,0
2	Тўлов қабул қилиш	Дона	500	10 000	5 000,0	1%	5 100,0
	<b>Жами:</b>				<b>5 000,0</b>		<b>6 600,0</b>

### МАЗКУР КРЕДИТ БУЙИЧА МОЛИЯВИЙ РЕЖА ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ

	КЎРСАТКИЧ	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи (сўм)	1ойда (минг сўм)	1 йилда (минг сўм)
1	Ишчилар сони	киши	1		1	1
2	Иш хақи фонди	минг.сўм	3		750,0	9 000,0
3	Иш хақи фондидан 12 % ажратма	минг сўм			90,0	1 080,0
4	Электр энегия харажатлари квт /с	минг сўм	200	295	64,9	778,8
5	Банк кредит буйича 14 %	минг сўм			233,3	2 800,0
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>минг сўм</b>			<b>1 138,2</b>	<b>13 658,8</b>
6	Хизмат кўрсатишдан тушган даромад				6 600,0	8504,4
7	Солик тўлови тушумдан 4 %	минг сўм			264,0	3 168,0
8	<b>Соф фойда</b>				<b>5 197,7</b>	<b>62 373,2</b>

Банк томонидан ажратилган **20 000 000** (йигирма миллион) сўм миқдордаги кредит маблағи аҳолига уяли телефонлари учун уланиш ва пул қабул қилиш хизматлари кўрсатиш, яъни диллерлик хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган.

### КРЕДИТ СУММАСИ

Сўралаётган **20 000,0** минг сўм миқдордаги кредит суммаси 20\_\_ йил ноябрь ойида олиниши режалаштирилган, кредит суммасини тенг миқдорга бўлинган ҳолда қайтариш, фоиз тўловлари ҳар ойда 1 маротаба асосий кредит суммасини ойларга тенг бўлинган ҳолда қайтариш амалга оширилади.

## Х У Л О С А

Банкнинг ҳамкорликдаги фаолияти, кредит маблағи бериш кафолати натижасида, ушбу маблағнинг ўз вақтида берилиши, унинг ўз вақтида ва мақсадли фойдаланиши, кредит маблағининг устамаси билан ўз вақтида қайтариш имкониятига эгадир. Ушбу маблағдан фойдаланиш натижасида Корхона ўз айланма маблағига эга бўлади, аҳолининг ушбу хизмат турларига бўлган талаби нисбатан қондирилади. Бу эса Республикамизда, шу жумладан \_\_\_\_\_ вилоятида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда салмоқли хисса қўшганимиз бўлади.

Лойиҳани ишлаб чиқди.

« \_\_\_\_\_ »

**МЧЖ бошлиги:** \_\_\_\_\_